O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
**Q A R O R I**

Uzun tumani, O'zbekiston ko'chasi 7-uy. 191100, tel.: (+99876) 44-73-545, uzun.t@exat.uz

20 21 yil "19" yanvar Қ-35 -son Uzun sh.

**Тумандаги "MANGUBERDI JALOLIDDIN" МЧЖга "Сабзавотчиликни ривожлантириш, сабзавот маҳсулотлари етиштириш" мақсадида "Боботоғ" СИУ массивидан 10,1 гектар ер майдонини 49 (қирқ тўққиз) йил муддатга ижарага бериш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 март кунидаги "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5388-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 март кунидаги "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4246-сонли қарори ижросини таъминлаш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш хажмини кўпайтириш, ички бозорни арзонлаштириш мақсадида, туман ҳокимлиги хузуридаги Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалалари кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 24 ноябрдаги баённомаси ҳамда "MANGUBERDI JALOLIDDIN" МЧЖ раҳбари Ж.Ғуломовнинг хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 24 ноябрдаги баённомаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги "MANGUBERDI JALOLIDDIN" МЧЖга "Сабзавотчиликни ривожлантириш, сабзавот маҳсулотлари етиштириш" мақсадида "Боботоғ" СИУ массивининг 775қ, 779қ-дала контурларидан жами 10,1 гектар шундан 10,0 гектар сувли ер ва 0,10 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари 49 (қирқ тўққиз) йил муддатга ижарага берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қорақулов)га ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш юклатилсин.

4. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев)га қонунда белгиланган тартибда солиқ тўловларини ундириш топширилсин.

5. “MANGUBERDI JALOLIDDIN” МЧЖ раҳбари (Ғуломов Жалолиддин Саидович)га ер майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланса мазкур қарор бекор бўлиши хақида огоҳлантирилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Б.Турсунов**